

2023-yil 20-aprel, payshanba

№ 17 (9233)-son

e-mail: infoqishloqhayoti@yandex.ru @Qishloqhayoti_gazetasi

СУВ ХЎЖАЛИГИ ВА ФАРМАЦЕВТИКА САНОАТИДАГИ ЛОЙХАЛАР КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 18 апрель куни сув хўжалиги ва фармацевтика саноатида амалга оширилётган лойхалар ҳамда келгуси вазифалар мухкамаси юзасидан йигилиш ўтказди.

Йигилиш аввалида сув хўжалигидаги 4 та катта ма-сала таҳжил қилинди. Булар – каналларда сув йўқотилиши, насос стансияларининг энергия истеъмоли кўплиги, сув захиралари камлиги ҳамда сув тежкови технологиялар билан боғлиқ.

Хусусан, каналларнинг фойдали иш коэффициенти пастлиги ва ички тармоқларда сув йўқотилиши оқибатида қишлоқ хўжалигида йилига 4 миллиард 800 миллион доллар кам даромад олинайти.

Шу боси тажриба тарикасида Жиззах вилоятининг Пахтакор туманинда ёпик куверли суфориш тизимини жорий қилиш мўлжалланмоқда.

Давлатимиз раҳбари ушбу лойиха ташаббускорининг тақлифларини эшитиб, уни кўллаб-кувватлади. Бундай ишларни сув етказиб бериси харажатларни энтиюкори булган Қашқадарё, Наманган ва Сирдарё вилоятларида ҳам амалга ошириш зарурлигини таъкидлади.

Бунга илм билан ёндашиб, лойиха харажатларини кискартириши, ёпик куверли суфориш тизимини жорий қилиш бўйича иккى йиллик дастур ишлаб чишик бўйича ишларни ташкиллар берилди.

Хозирги кунда 450 минг гектар ёки суфориладиган майдонларнинг 15 фози зазерли технологияда текисланган. Агар бундай ерлар 2 баравар кўпайтирилса, яна 900 миллион куб метр сув тежалади, кўшимча 200 минг гектarda сув таъминоти яхшиланади.

Шунинг учун жорий йилда мингтада лазерли текислагич олиб келинини, кластерлар томонидан фермерларга лазерли текислаш хизматларни йўлга кўйилиши белгиланди.

Сўнгги йилларда 400 минг гектarda томчилияти ва ёмғирлатиб суфориш технологиялари жорий қилинган. Бу йил яна 80 минг гектар майдонда ишлар бошланган. Бундай технологияларни янада разбатлантириш максадида, шу йил 1 апрелда имзоланган қарорга мувофиқ, донли экинлар ва сабзавот этиширища сув тежкови тизим жорий қилинган ҳар бир гектар учун субсидия миқдори хозирги 1 миллион сўмдан 8 миллион сўмга оширилди. Банк кредит ставкаси фермерлар учун 17 фози этиб белgilandi.

(Давоми 2-саҳифада)

ЯНГИ КОРХОНА: ХОТИН-ҚИЗЛАР УЧУН ДОИМИЙ ИШ ВА ДАРОМАД

ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ

Хонга тумани "Истиқол" маҳалласидаги корхонада тайёр тикув маҳсулотлари ишлаб чиқариш йўлга кўйилди. "Xorazm Tex" МЧЖ қошидаги "Khorezmtex Fashion" масъулияти чекланган жамияти лойиҳаси доирасида худуддаги кўплаб хотин-қизлар доимий ишга эга бўйиши.

– Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев худудлар ривожи, аҳоли ҳаёти билан яқиндан танишиш мақсадида 31 марта куни Хоразм вилоятiga ташриф буюрганида рамзий тугманни босиб, корхонамиз фагопият олиб бориши учун рухсат бергандилар, – дейди корхона раҳбари Темур Рузумов. – Биз видеолоқа орқали кепгуси режалар ҳақида сўзлаб бердик. Айни кунларда корхонамизда тайёр тикув маҳсулотлари тайёрланмоқда. Лойиҳани амалга оширишимиш учун 1,5 гектардан зиёд майдон белгилаб олиниб, қисқа муддатларда курб битказилди. Лойиҳа киймати 1,8 миллион АҚШ доллара бўлиб, шундан 1,3 миллиони



ўз маблагларимиз, 550 минг евро "Қишлоқ қурилиш банк"нинг кре-дит маблаглари хисобига амалга

оширилди. Корхонамиздаги мав-жузд замонавий ускуналар Польша давлатидан келтирилган бўлиб,

усларни хотин-қизлар моҳирлик билан бошқармоқда. Корхонамизда йилиги 6 млн. дона тайёр маҳсулот

ишлаб чиқариш мўлжалланган. Маҳсулот экспорти режалаштирилмоқда.

– Ёшлигимдан тикучилек йўналишида ишлашни орзу қилардим, – дейди Самия Юсупова. – Турли тикучилек цехларида ишладим. Ушбу корхонага ишга келганимдан хурсандман. Чунки доимий ишга эга бўлдим. Маошларим ҳам вақтида берилмоқда. Корхонада мен каби кўплаб ёшлар меҳнат қилишмоқда.

Бугунги кунда корхонада хотин-қизларнинг самарали фагопият юритишлари учун барча шароитлар яратилган. Ҳар куни иккি маҳал иссиқ овқат берилади. Бепул транспорт ташкил қилинган.

Ҳа, бугун юртимизда тадбиркорларга яратилётган имконият ва кулаильклар туфайли кўплаб янги иш ўринлари ташкил этилмоқда. Ишлаб чиқарилган янги тур маҳсулотлар хорижий давлатларга ҳам экспорт қилинмоқда.

Болтабой МАТҚУРБОНОВ,
"Qishloq hayoti" мухабири.

"ЎЗАГРОСУФУРТА" АЖ: ЎТГАН ЙИЛИ ЭРИШИЛГАН НАТИЖАЛАР, ЖОРИЙ ЙИЛДАГИ УСТУВОР ВАЗИФАЛАР

Мамлакатимизда суғурта бозорини ривожлантириш борасида олиб борилаётган ислоҳотлар суғуртанинг ҳәйтимизда ўрнини мустаҳкамлаш, иқтисодиётимизнинг ажралмас таркибий қисмига айлантириш каби мақсадларни кўзда тутади.

Давлатимиз раҳбари Бевосита, суғурта фагопиятни амалга ошириш натижасида эришилган асосий кўрсаткичларга тўхтатадиган бўлсан, 2022 йили таъминланган суғурта мукофотлари қарий 323,3 миллиард сўм бўлиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ўсиш 23,8 фоиз ёки 62,7 млрд.сўм кўп суғурта мукофотлари таъминланди. Расмийлаштирилган суғурта шартномалари бўйича олинган мажбурият ҳажми 119 трилион сўмдан ошиди, бу эса ўз навбатида ўтган йилга нисбатан 42,8 фоизга ўсиш демакдир. Шу давр мобайнида мизозлар билан жами 995 минг 526 дона суғурта шартномалари тузилган бўлиб, уларнинг қарий 914,6 минг донаси Республика ахолисининг соглиги ва мол-мулк учун кўрсатилган суғурта хизматларига тўғри келади.

Олинган мажбуриятлар доирасида мижозларимизнинг манфатларини химоя қилиш мақсадида қарий 43,3 млрд. сўмлик суғурта тоҷонлари тозуб берилган бўлиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ўсиш 22,5 фоизни ёки қарий 8 млрд. сўмга кўп суғурта товоонларини ташкил жоизи.

(Давоми 2-саҳифада)

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ МАҲСУЛОТЛАРИ НЕГА ҚИММАТ? ДЕҲҚОНЧИЛИКДА ДАРОМАДНИНГ ЯНГИ МАНБАЛАРИ БОРМИ?

Бу саволни нафақат сотовувчига, балки кези келганда ишлаб чиқарувчига ҳам бериб кўргансиз. Аниқ ишонаманки, сизнинг саволингиздан кейин дәҳқончилига ётган ишлаб берилади.

СОЛЯРКАНИНГ НЕЧА ПУЛ ТУРИШНИ БИЛАСИЗИ?

Агар сиз дунёбехабар бўлганингизда шундук кўшини мамлакатда унинг биздан арzon эканлигини билмаган бўлардингиз.

Мамлакатнинг шу маҳсулотни ишлаб чиқардиган бир неча завод бўлса-ю, нефт ва газ ўзимиздан чиқиб турган бўлса, нима улар арzon бензин ва солярка ишлаб чиқара олмайди? Борингки, улар арzon ёкилаб чиқара олмаса, ёки уни халқимизга арzon нархда сотишни истамаса, нега ундан воз кечиб кўшнимиздан олиб кўя қолмайди?

...АММАФОСНИНГ КОПИ БЕШ ЮЗ МИНГ СҮМ ТУРИШНИЧИ?

Аммафос ва бошқа кимёвий дорилар ўзимизда ишлаб чиқариладими ёки четдан келадими? Бу хам сир эмас. Бу маҳсулотнинг ҳам аслида таннаҳри қанча эканлигини, кўшини мамлакатларда қанча

тиришини жуда яхши биласиз. Фақат бир замонларда пайкалларнинг четида, эшиги йўқ бўстирмаларнинг остида тонналаб дорилар таҳланганича ётган пайтларини эслаб ёки эшитиб, афсуланасиз.

Кунжара билан шелухани гапирмайин, оддий кепакнинг нархини биласизми? Комбикорма кўргмаганимга анча бўлди. Буғдойнинг қиринчисини комбикорма деб сотишиади. Ҳеч қандай кувват йўқ унда. Шу савил улгурни бозорга олиб келиш учун мосинага қанча пул берганимни биласизми? Эшагидан тушови қиммат.

Ҳа, албатта. Ҳозир маҳсулот ишлаб чиқаришга қанча пул сарфласангиз, транспортга ҳам шунча сарфлайсиз. Ёнлиги қиммат. Яна шу гап. Ҳозир бу маҳсулотларнинг бари биржа орқали сотилади! Бозор иқтисодиёт дегандай... Ҳа, ҳозир қаерга борсангиз: "бу маҳсулотларнинг бари биржага чиқарилган", деган гапни ёштасиз. Биржага чиқарилётган маҳсулот санокли ва битта манзилдан чиқарилгандан кейин

уни биржада сотасанми, мажбурлаб берасанми, нима фарқи бор?

Ҳозир топиб олган гапи шу: "бирж". Нима биржада бизниси билан бир растада Қозогистоннинг соляркаси, Россиянинг кимёвий дориси, Хитойнинг комбикормаси сотилаптими, униси ёқмаса, бунисини танлаб олсанг! Отнинг калласидай нарх кўйил, минг тонналаб потта қўядида, улгуржи сотади. Уни оддий дехон тутул фермер ҳам сотиб ололмайди. Яна шу: пиҳини ёрған бир бой эгалик қилиб олиб, ўзи билган нархда майдалаб сотади. Бошқа ердан сотиб олишинг иложи бўлмагандан кейин қарз-кавала қиласанми, бир бало қилиб шуни олсанг. Ёки бирон марта биржада ёқилғи ёки ўзитнинг нархи тушиб кетибди, деб ёштасизимиз!

Буни назорат қиладиган ташкилотлар бисеркү? Қайси бирини айтаяпиз?

Антимонополияними? Бизда энг зарур маҳсулотнинг қайси бир монопол эмас? Тракторми, ёқилғими, ўғими, қайси бир? Шу ташкилотдагилар ўзларини нима деб оқлар экан, ақлим бовар қилмайди.

Балки инспекцияларни айтлаётгандирисиз? Кулгинг келади, бир ташкилот қошида инспекция бўлармиши, у ўзига раҳбар ташкилотнинг камчилигини топиб, жазога топтармийш???

Дехонга аслида кўпам уни эк, буни эк, вактида эк, бундай парваришила деб айтиш, унинг қимматли вактини ўтираш шарт эмас. Унга етиширган маҳсулотини сота олиш кафолати керак. Яхши нархга келишинг: қачон экиб, қандай парвариши қилишини ўзи билади. Айтганингиздан ҳам эртацироқ, сифатлироқ килиб етказиб беради.

(Давоми 2-саҳифада)



САРА УРУФ – САРА ҲОСИЛ

Отам Ақрамжон Расулов (оҳиротлари обод бўлсин!) бир умр қишлоқ хўжалигидаги механизаторлик қылган. Шу боис ҳам фарзандларига меҳнатнинг таги роҳат экани, ерга меҳр қўйган инсон иккى дунё соадатига эришиши ҳақида кўп насиҳатлар қиласарди.

(Давоми 2-саҳифада)



оширилди. Корхонамиздаги мав-жузд замонавий ускуналар Польша давлатidан келтирилган бўлиб,

ишилаб чиқариш мўлжалланган. Маҳсулот экспорти режалаштирилмоқда.

– Ёшлигимдан тикучилек йўналишида ишлашни орзу қилардим, – дейди Самия Юсупова. – Турли тикучилек цехларида ишладим. Ушбу корхонага ишга келганимдан хурсандман. Чунки доимий ишга эга бўлдим. Маошларим ҳам вақтида берилмоқда. Корхонада мен каби кўплаб ёшлар меҳнат қилишмоқда.

Бугунги кунда корхонада хотин-қизларнинг самарали фагопият юритишлари учун барча шароитлар яратилган. Ҳар куни иккি маҳал иссиқ овқат берилади.

Болтабой МАТҚУРБОНОВ,

"Qishloq hayoti" мухабири.

**Томорқа билан ишлайдиган, ахолига моддий ресурсларни етказиб берувчи
"Томорқа хизмати" МЧЖлар сони ҳозирда 355 тага ети**

► Қарор ва ижро

**Президентимизнинг
2021 йил 16 декабрдаги
"Томорқадан
фойдаланиш
самарадорлигини
ошириш, шунингдек,
ахолининг
тадбиркорлик
ташаббусларини
мoliavий кўллаб-
куватлаш бўйича
кўшимча чора-
тадбирлар тўғрисида"ги
қарори ижросини
таъминлаш борасида
Наманганд вилоятида
ҳам кенг кўлами ишлар
амалга оширилмоқда.**



ХАЛҚИМИЗ ДАСТУРХОНИ ТЎКИНЛИГИДА ЎЗ ҲИССАМИЗ БОРЛИГИДАН

ФАЖРЛАНАМИЗ

Биргина ахоли томорқаларни сифати сув билан таъминлаш мақсадида кўплаб артезиан қудуклари қазиб чиқарилди. Натижада 2,3 минг хонадоннинг 175 гектар томорқаси обиҳаёт билан таъминланди. Сув таъминоти оғир бўлган биргина Янгиқўргон туманида 32 та тик қудук қазиб чиқарилиб, 950 та хонадоннинг 73,5 гектар ер майдони сархосил заминга аллантирилди. 21 та артезиан қудуклари учун 2,4 млрд. сўм субсидия маблаги ажратиб берилди.

Томорқа билан ишлайдиган, ахолига моддий ресурсларни етказиб берувчи "Томорқа хизмати" МЧЖлар сони 2018 йилга нисбатан 327 тага кўпайд, ҳозирда 355 тага ети. Улар орасидан энг наунали, кенг қамровли фаолият кўрсатадиган 5 та "Томорқа хизмати" МЧЖ танлов асосида ўрганиб чиқилиб, 12 та йўналишда хизмат кўрсатувчи томорқачилик кластери ташкил этиди. Шунингдек, ўтган йили Косонсои ва Норин туманларида ҳам томорқачилик корхонаси ташкил қилинди. "Косонсои кластер томорқа хизмати" МЧЖга кенгаш ҳузуридаги жамғармадан 2 млрд. сўм маблаг ажратилиди. Томорқаларда етиширилган маҳсулотларни барқарорлаштириш ва етиширилган маҳсулотлар исроғарчилигининг оғдини олиш мақсадида ахоли гавжум маҳаллаларда 25 та киич ҳажми музлатикичли

омборхоналар ташкил этилди. Учқўргон тумани "Улжатўли" МФИ ҳудудида яшовчи Достон Бобомирзаев, Уйчи тумани "Соку" МФИда яшовчи Гофуржон Зиятов хонадонида 30 ва 50 тонна сиғимга эга бўлган киич ҳажми музлатикичли омборхоналар ишга туширилди ва томорқалarda етиширилган кишлек ҳўжалиги маҳсулотларни саклаш йўлга кўйиди.

Ахоли томорқаларидан самарали фойдаланишини ташкил этиш ва қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларни етишириш, сақлаша ва қайта ишлаш ҳамда кўрсатиладиган хизмат турларини кенгайтириши мақсадида Ўзбекистон фермер, дехқон ҳўжаликлари ва томорқа ер ғаларини ҳузырудаги жамғарма томонидан ўтган йилда 26 млрд. сўм имтиёзли кредит ҳамда жами 44 та артезиан қудукларни ишга тушириш учун 5,5 млрд. сўм субсидия маблагларни ажратиб берилди. 854 та ахоли хоналондарида томорқачиликни ривожлантириш, иҳчам иссиқоналар куриш, чорва, парранда, асалари боқишини йўлга кўйиш кабилар учун оиласлик тадбиркорликни ривожлантириш платформаси асосида жамғармадан 18,9 млрд. сўм мoliavий кўллаб-куватлаш бўлса-да ахоли гавжум маҳаллаларда

25 та киич ҳажми музлатикичли



манларида ахоли томорқалари-га 12 хил турдаги хизматни кў-
ратиш мақсадида томорқачилик кластерларини ташкил этиш учун
18,3 млрд. сўм, сув таъминоти оғир
худудларда артезиан қудукларни
ишга тушириш бўйича субсидия
маблаглари ажратилиши режа-
лаштирилган. Бугунги кунга қа-
дар жисмоний шахсларга кредит
ажратиш мақсадида вилоятдаги
тикорат банкларига дастлабки
босқичда маблаглар ажратиб бе-
рилди.

Айни кунларда халқимиз улуг
айём – Рамазон ҳайитин муно-
сиб нишонлаш учун ҳозирлик кў-
моқда. Жаннатномонд дёйримиз
бозор ва дўкон расталаридаги
тўкинчилик, томорқа маҳсулот-
ларининг хилма-хиллиги кўз-
ларни қувонтиради. Ана шундай
тўкинчилика фидойи, заҳматкаш
дехқон ва томорқачилар қатори биз,
жамғарма ишич-ходимларининг
ҳам ҳиссамиз борлигидан фахрла-
намиз. Пок нияти, тантни дехқону
фермерларимиз номидан юрто-
шларимизни Рамазон ҳайити билан
муборакбод этамиз.

Бахтиёржон ВОХИДОВ,
Фермер, дехқон ҳўжаликлари
ва томорқа ер ғаларини
кўллаб-куватлаш
жамғармасининг Наманганд
вилояти ҳудудий вакили.



РЕКЛАМА ЖОЙЛАШТИРУВЧИЛАР, ДАРАХТГА МИХ ҚОҚМАНГ!

Дараҳтлар табиатнинг ажралмас
булаги, заминнинг нафас тизимири.

Ўртacha бир дараҳт бир оиласининг
қислородга бўлган эҳтиёжини
қоплади. Демак, битта дараҳтни
кулатиш бир оиласини тоза ҳаводан
маҳрум қилмоқ билан тенг.

Бутун дараҳтларга бўлган ножӯя
харакатлар кун сайин ортиб бормоқда.
Шулардан бири ўзбошимчалик билан
реклама лавҳаларини дараҳтларга
осиб қўйишдир. Бу хол тез-тез учраб
туриди. Металла конструкцияли реклама
лавҳаларини ўрнатиш учун дараҳт танасига
хар томондан михлар қоқиб қотирилади
ҳамда кабель ва симлар ўтказилиб, улар
ҳам дараҳт танасига турли хил усулда яна
бир бор мустаҳкамланади. Бундай реклама
жойлаштирувчилар дараҳтларнинг холати
ҳақида асло қайтurmайди. Ваҳоланки,
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар
Мажхамасининг 20 йил 20 февралдаги
"Ташки реклама бозорини тартибга солиш
тўғрисида"ги карорида ташки реклама
объектларини (конструкцияларини)
дараҳтларга ўрнатишга йўла кўйилмайди,
дэя белтилланган. Шундай экан, юрдошлар
барчамиз нафақат атроф-мухитга балки,
бизга соя-салкин, кислород бериб турган
дараҳтларга эътиборли ва масъулиятли
бўлайлик!

Отабек ҚОБИЛОВ

► Мутахассис тавсиялари

Ғўза тупларининг яхши ривожланиши ва кейинчалик мўл ҳосил етиширилишини таъминлашнинг асосий шартларидан бири ниҳолларни яганалашдир. Бу анча сермеҳнат агротехник тадбир ҳисобланниб, қаторлаб тукил чигит экилган майдонларда ғўза турига қараб ва ер шароитига қараб 65-75 фоиз туплари олиб ташланади. Тўлиқ гектарлар ҳосил қилинади ниҳолларнинг меъёрий қалинлиқда бўлишига эришиш учун барча чораларни кўриш лозим.



Ғўза парваришида мұҳим тадбир

эмас, балки уларни ўзлаштирувчи-
ларга айланади. Ҳозирги вақтда чигит
асосан қаторлаб ёки кетма-кет уларга
аниқ миқдорда ташлаб кетишси усулида
экилади. Чигит аниқ миқдорда уялаб
экилганда гўзани яганалашга жоҳат
қолмайди. Яганалаш асосан қаторлаб
экилган участкаларда ўтказилади. Кўп-
чилик илмий текшириш мусассасалик
томонидан исботланган ва ишлаб
чиқарилаш шароитларида тасдиqlangan
яганалаш усули уяларда биттадан
ниҳол қолдириб кетишидир. Ниҳоллар
уяларда якка тупда қолдирилганда

ўтказилмайди. Нима учун? Масалан,
АҚШнинг Сан-Жоакин (Калифорния
штати) водийсида гектарда кўчкат ҳа-
линлиги қандай бўлиши, экилган чигит
миқдорига қараб белгиланади. 1000
та чигитнинг вазни 120-130 г бўлса,

фермер йўқотган ҳаражатларни кўта-
риб, жарима тўлайди.

Ёш ниҳолларнинг ривожланиши
ҳамда кўсакларнинг очилишини тез-
лаштириш мақсадида чигит сони аниқ
миқдорда экилмаган далаларда яга-
налаш ўтказилиши лозим. Саралаш-
ни ғўза ниҳоллари бир-икки чинбарг
чиқарунга қадар тутгалиш керак. Агар
бу муддатдан кечикиб, 3-4 чинбарг
чиқарунга ўтказилганда ҳосилдор-
лик гектарига 2-3, 4-5 чинбарг чиқар-
унга ўтказилганда эса 4-5 центнерга
камайди. Саралаш кеч ўтказилса,
ниҳолларнинг илдизлари бир-бири
билан бириниб кетиши натижасида
ўсимликнинг ошиқасини олишида қол-
ган ниҳолларнинг илдизлари шикаст-
ланади ва уларнинг маромига келиши
учун 7-10 кун ўтади. Бу эса ғўзалар-
нинг ривожланиши кечикишига олиб
келади. Далаларнинг ҳолатига қараб,

қўчкатлар қалинлиги белгиланади. Буда
фермер ҳўжаликларининг мутахассис
ва тажрибали пахтакорлари, юқорида
таъкидлаганимиздек, ҳар бир дала
ёки участканинг ўзига хос тупроқ ва
екилаётган навнинг хусусиятларини
қатъий ҳисобга олган холда амалга
оширилар, табақалаштирилган
оптимал ғўза туплари қалинлигини
белгилашлари зарур. Шундагина қўёш
нурни ва ер-сув ресурсларидан мўл ва
эртаки ҳосил етишириш учун юқори
дараҳада фойдаланишга замин ярати-
лади.

Ренат НАЗАРОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган
қишлоқ ҳўжалик ходими,

Жўрахон АБДУЛАЕВ,
Қишлоқ ҳўжалигидаги билим ва
инновациялар миллий маркази
бош мутахассиси.





РАМАЗОН ҲАЙИТИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН, АЗИЗ ЎРТДОШЛАР!

Аллоҳ таолога ҳамду санолар бўлсин, бир ой давомида ҳам жисмонан, ҳам руҳан чиниқиб, сабр ва шукр фазилатларини ўзимизда ҳосил қилиб, бунинг тантанаси ўлароқ Ийд Рамазонни байрам қилиш арафасида турибмиз. Дарҳакиқат, бу улуғ ойда имон ва ихlos ила кундузлари улуғ рўя ибодатини адо этиш билан бирга тунлари Аллоҳнинг каломи Куръони каримга сомеъ бўлиш баҳтига мусассар бўлдик. Бу йил юртимиздаги деярли барча масжидларда хатмул қурон 27 кунлик қилиб қадр кечасига тўғирланди. Зоро, имон ва Куръон Аллоҳ таоло сизу биз мўмин мусулмон бандаларига ато этган энг буюк неъматdir.

Куръони каримда бу ҳақда шундай марҳамат килади: "Айтинг: "Аллоҳнинг фазли ва раҳмати билан, бас, (альбатта), шулағ сабабли (муминлар) шодланиснлар! У тўплаган нарса (бойлик) ларидан яхшироқдир". (Юнус сураси, 58-оят). Бу оядта Аллоҳнинг икки улуғ неъмати зикр қилинагати. Бири – фазлу карами, яъни Ислом дини. Иккинчиси – раҳмати, яъни Куръони карим. Ҳадиси шарифи айтиладики, кимга Аллоҳ таоло Ислом дини ва Куръон илмими насиб этган бўлса-ю, у камбагалман деб нолиса, Аллоҳ таоло то қўйёмат кунигача унинг икки үзоқ-яқинлари билан кўришиб, уларнинг ҳолидан ҳабар бўлишиди. Энди, йилда икки марта бўладиган ушуబ муборак Рамазон ва Курбон ҳайит намозларида ҳам мўмин-мусулмонлар үзоқ-яқинлари билан кўришиб, уларнинг ҳолидан ҳабар олиш имкониятига эга бўладилар. Демак, ҳайит байрами инсонлар ўртасида ўта

нинг мусулмон бандаларига ушуబ улуғ ибодат ва байрамларни жорий қилишида катта ҳикмат бор. Жумладан, мусулмон киши беш вақт намозни жамоат билан ўқиш учун масжидга келар экан яқин қўшини ва мажалладошларининг аҳволидан боҳабар бўлади. Ҳудди шунингдек, беш вақт намозида кўриша олмайдиган ҳамшашар оғайнин ва яқинларини жума намозларида учратиб, ундан ҳол-аҳвол сўраб, ҳабардор бўлишиди. Энди, йилда икки марта бўладиган ушуబ муборак Рамазон ва Курбон ҳайит намозларида ҳам мўмин-мусулмонлар үзоқ-яқинлари билан кўришиб, уларнинг авратуни сатр қиласди. Кимки ўз қаҳрини бажариш имкони бўлганда ичига ютса, Аллоҳ қиёмат куни

мукаммал ижтимоий алоқаларни жипсплаштириш вазифасини бажаради.

Инсон борки ўзини бошқалардан беҳожат хис қила олмайди. Шундай экан, бу улуғ кунларда бошқа инсонлардан ҳабар олиб, мухтожларга кўлдан келганча ҳам маънан, ҳам моддий кўмак бериб, уларнинг кўнгилларига ҳам хурсандчилик ва байрамона кайфият киритиш ҳар биримизнинг бурчимиздир. Ҳақиқий мусулмоннинг назидида инсонларга манфаат бериб яшалган умр мазмунли, самарали ва гўзал умр хисобланади.

"Кимки ўз газабини тийса Аллоҳ унинг авратуни сатр қиласди. Кимки ўз қаҳрини бажариш имкони бўлганда ичига ютса, Аллоҳ қиёмат куни



Муҳаммадшоқир БОБОҲЎЖАЕВ,
Норин туманидаги "Умархўжа эшон" масжиди имом ҳатиби

унинг қалбини розилик билан тўлдиради. Ким бирордарининг бирор хожатини чиқаришда қарор топганича бирга юрса қадамлар тойиладиган қиёмат кунидаги қадамларни собит қилид", деб айтганлар. Эътибор берсангиз Пайғамбаримиз с.а.в. ушуబ ҳадиси шарифда энг сабобли ва Аллоҳга маҳбуб амалларни зикр қилиб ўтдилар. Айни пайтда энг сабобли ишларни энг фазилатли кунларда амалга ошириш унинг сабобини янада ортиришига сабаб бўлади. Бу борада Аллоҳ таоло бизларга қўйидагиларни марҳамат қилиб айтади: "Аллоҳ ийлида молларини эхсон қилувчилар (сабобининг) мисоли гўё бир донга ўхшайдики, у ҳар бир бошогида юзтадан дони бўлган еттига бошоғни үндирив чиқаради. Аллоҳ ҳоҳлаган кишиларга (сабобини) янада кўпайтириб беради. Аллоҳ (карами) кенг ва

билимдон зотдир". (Бакара сураси, 261-оят). Шунингдек, ба каби ҳайрия ва сабобли ишларни қилишимиз билан Аллоҳ таолонинг даргоҳида улуғ ажру мукофотларга сазовор бўлишимиз билан бирга ўз инсонийлик бурчимизни ҳам адо этган бўламиз. Шунни тақидлаб ўтишимиз керак, ҳар йили рамазон ҳайити кунини байрамона кайфиятда ўтказишимиз таъкидлаб келинса-да, бабзи ҳамюларимиз азахонликка айлантириб юбориши ачинарли ҳолат. Байрам кунлари сабоби энг улуғ амаллардан бири бемор инсонларни зиёрат қилиб, дуоларини олиш ва кўнгилларига хурсандчилик киритишдир.

Ушбу муборак кунларда яқинларимизнинг ҳолидан ҳабар олиш билан бирга атрофимиздаги шикастга кўнгил кишиларни зиёрат қилиш, уларга ҳайрия саҳоват улашишнинг ҳам ажру мукофоти улуғ эканлиги борасида Аллоҳ таоло қўйидагиларни таъкидлаб айтади: "Сиздан (эй, Муҳаммад), қандай эхсон қилишини сўрайдилар. Айтинг: "Ниманини ҳар-эхсон қилсангизлар, ота-она, қариндошлар, етимлар, мискинлар ва мусофириларга қилингизлар! Ҳар қандай қилган эхсонларини Аллоҳ билиб турувидир". (Бакара сураси, 215-оят). Пайғамбаримиз (с.а.в.) айтганлар: "Беморларни зиёрат қилинглар, очларга таом беринглар, қарздорларга қарзларини узишга ёрдам беринглар" (Имом Бухорий ривояти). Бемор ва касалманд қиши ҳақига қилинадиган дуо борасида Пайғамбаримиздан қўйидагича ҳадис ворид бўлган: "Беморга айтиладиган сўзларидан: "Хечқиси йўқ, Худо ҳоҳласа ҳаммаси яхши бўлади", деб айтиш (Имом Бухорий ривояти). Шу каби сўзлар билан беморларнинг кўнглига хурсандчилик киритиш истомдаги эзгу амаллардан ҳисобланади.

Аллоҳ таоло Рамазон ҳайитини барчамига муборак айласин! Юртимизни ёмон кўзлардан ўзи асрасин! Рамазон ҳайити намозининг савобидан ҳаммамизни баҳраманд айлаб, икки дунё саодатига мушарраф этсин.

Tabrik



Юртдошларимиз Рамазон ҳайитини қамта хурсандчилик билан ҳарши олмоқдадар.
Ушбу байрам маънавий ҳаётимизнинг ажралимас қисми бўлиб, унда мўмин-мусулмонларининг саҳиълиқ, шуқроналиқ, меҳр-оқибат қаби фазилатлари янада қенгроқ намоён бўлади. Шундай фрайзли қунларда юртдошларимизни муборак айёл билан қўтлар эканмиз, барчаларига мустаҳкам соғалиқ, хотиржамлиқ, эзгу ишларига омадлар тилайди.

Ҳлоҳим, дунёмиз тинч, гўзал дигеримиз янада обод, бағрикенг ҳалқимиз доимо омон бўласин!



**"ЧАП ҚИРГОҚ АМУДАРЁ ИТҲБ
ХУЗУРИДАГИ МЕЛИОРАТИВ
ЭКСПЕДИЦИЯСИ" ЖАМОАСИ**

Qishloq hayoti

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар
Маҳкамаси комплекси таркибидаги ҳамда бошка даҳлор вазирлик ва идоралар.

Бош мұхарріп: Чори ЛАТИПОВ

Таҳрир ҳайъати:

Шавкат ХАМРОЕВ, Азиз ВОЙТОВ,
Муҳаммаджон ТОШБОЛТАЕВ,
Актам ХАЙТОВ, Махмуд ТОИР,
Ҳабиб ТЕМИРОВ (боши мұхаррір ўрингбосари),
Райимкул СУЯРОВ (боши мұхаррір ўрингбосари).

Саҳифаловчи-дизайнер: Маркс ЮСУПОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан
2009 йил 13 февралда № 0020-ракам билан рўйхатдан ўтказилган.
Ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилди, қофоз бичими А-2.
НАШР ИНДЕКСИ – 144.
Буюртма Г-440. 1756 нусхада чоп этилди.

Газета "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-үй.

Реклама

МАҲАМ - CHIRCHIQ

KAC – суюқ азотли ўғити, ўз таркибида азотнинг нитрат, аммоний ва амид турларини мужассамлаб, ўсимликларининг узоқ вақт мобайнида азот билан озиқланнишини таъминлайди. Барча турдаги қишлоқ хўялиги маҳсулотларини етишириш учун экишдан аввал ва кейин, илдиздан ташқари ва илдиз орқали озиқлантиришда қўллаш мумкин.

ТАРКИБИДА 27-33% АЗОТ МАВЖУД

Манзил: Тошкент вилояти Чирчиқ шаҳри Тошкент кўчаси 2-үй.

Тел.: +998 (7071) 5-25-20, 5-34-40, 9-35-08.
Факс: +998 (7071) 6-40-79, 6-55-46, 6-45-57.

info@maxam-chirchiq.uz
www.maxam-chirchiq.uz

Махсулот сертификатланган

Босишига топшириш вақти: 21.00
Босишига топширилди: 18.00